

МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Юсунова Наргиза Аманбаевна

Ажсинияз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу илмий мақолада юртимиз ёшларининг дунёқараши ва маданий тарбиясини янада ривожлантириш йўллари, жумладан мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

КИРИШ

Жамиятимизда китобхонлик масаласига ёндошув турли даврларда турлича бўлган. Ҳар бир даврнинг ўз еhtiёжидан келиб чиқиб, китобхонлик даражаси бэлгиланган. Бинобарин, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ўз фуқароларининг онглилиги билан белгиланар экан, бунда албатта китобхонлик масаласига алоҳида еътибор берилган. Бугунги кунда “Мутолаа маданияти”, “Китобхонлик маданияти”, “Ўқиш маданияти” каби атамалар билан қўлланилиб келаётган ижтимоий ҳодисалар ахборот олиш маданиятининг таркибий қисмларидир.

“Мутолаа” сўзи арабча “ўқиш” деган маънога эга бўлса-да, бугунги кунда у китоб ўқишдан кўра кэнгроқ тушунчани англлатмоқда. А. Умаров фикрича: “Мутолаа” маданияти ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз бэрувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, мэъёрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошқа атрибутлардир. Айни чоғда мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали махсус шакллантирадиган, ихтисослашган маълумотни инсон ҳаёти давомида турли манбаалар – китоблар (бадий, илмий, ўқув, қомусий), оммавий ахборот воситалари (газэта, журнал, тэлэвидэния, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот тэхнологиялари (интэрнэт, элэктрон газэта, журнал, қўлланма ва ҳоказолар), шунингдэк, субъект билан бэвосита мулоқотга киришувчи шахслар (оила аъзолари,...) орқали эга бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим бўлади» 2 . Профэссор Э.И.Ёлдошев «Ўқиш маданияти» тушунчасига шундай таъриф бэради: «Ўқиш маданияти – жуда кэнг қамровли тушунча бўлиб, китобга қизиқиш ва уни сэвиш, адабиёт билан кэнгроқ танишишни, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдэк, китобдан тўла равишда фойдаланишга ёрдам бэрувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади»

Жумладан, ахборот олиш маданияти бадий адабиётни тўғри тушуниш, ундан эстетик завқ олиш, шунингдек, илмий адабиётлар, барча турдаги ресурслар билан ишлаш, маълумот-библиография ва барча турдаги ахборот материалларидан ўзини қизиқтирган маълумотларни қидириб топиш, чەксиз ахборот оқимлари орасидан кэракли, муҳим бўлган маълумотларни ола билиш, ўз касбий малакаларини оширишда фойдаланиш, ахборот-кутубхона муассасасидан тўғри фойдаланиш йўллариини ўрганиш ҳам ахборот олиш маданияти тушунчаси доирасига киради. Жамиятимизда китобхонлик масаласига ёндошув турли даврларда турлича бўлган. Ҳар бир даврнинг ўз эҳтиёжидан кэлиб чиқиб, китобхонлик даражаси бэлгиланган. Бинобарин, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ўз фуқароларининг онглилиги билан бэлгиланар экан, бунда албатта китобхонлик масаласига алоҳида эътибор бэрилган. Бугунги кунда “Мутолаа маданияти”, “Китобхонлик маданияти”, “Ўқиш маданияти” каби атамалар билан қўлланилиб кэлаётган ижтимоий ҳодисалар ахборот олиш маданиятининг таркибий қисмларидир.

“Интерактив ўқиш, бу – ота-онанинг боласи билан китоб ёнида биргаликдаги ўтгазган вақти билан чекланиш эмас, балки бу жараённинг моҳияти ота-онанинг бола билан ўзаро мулоқотида”¹. Сабаби, психологларнинг айтишича, 7-10 ёшдаги болалар ўзига хос ривожланиш давридан ўтади. Болалар бу ёшда ўзининг аниқ ички сезгисини, онгини англайди. Ўзини бир вақтнинг ўзида катталар сингари ҳис этиш ва аста секин баҳолаш, ўзини тутиш сезгилари уйғонади. Шунинг учун ҳам, бу ёшда болалар учун ота-она, ўқитувчи ва устознинг роли жуда аҳамият касб этади. Асосан, катталарга ўзаро ва теран ишонч пайдо бўлади. Шунингдек, бу циклда болаларда асосий энергетик ресурслар ва салоҳият уйғонади. У ҳаракатчанг, жуда фаол бўлиб, ички дунёси ҳам, фикри, ақли ҳам шундай тарзга айланади. Бу цикл ота-она ва устозларга, ҳар бир содир бўлаётган воқеага асл қизиқиш уйғотишга имкон беради.

“Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”да айнан мактабгача ёшдаги болаларнинг китоб ўқиш малакаларини ривожлантириш бўйича талабларда бола китоб ва ўқишга қизиқиш билдиради, кутилаётган натижалар эса қуйидагилар:

- 3-4 ёшли болалар китоб ҳақида тушунчага эга; катталардан китоб ўқиб беришларини сўрайди; ўз ёшига мос китобларни томоша қилади; китобдаги расмлар ва сўзлар орасидаги боғлиқликни аниқлайди; расмлардан таниш эртақ қаҳрамонларини танийди.

¹ «INFOLIB» axborot-kutubxona xabarnomasi.2016 yil. 39 - b.

•4-5 ёшли болалар тинглаган ҳикоясига муносабат билдиради ва катталарга савол беради; расмлар асосида тинглаган асарини асосий ўринларини гапириб бера олади; бадий асардан парча тинглагандан сўнг асар номини айта олади; ўз ёшига мос шеърларни ёддан билади; китобни эҳтиётлаб фойдаланади.

•5-6 ёш сўздаги биринчи товушни билади; китобни мустақил томоша қилади; товушларни фарқлайди; сўзларни бўғинга бўлади; сўзларга қофия келиштиради; нутқнинг диалогик шаклини қўллайди, саволлар беради; шеърларни ёд олади ва ифодали ўқийди; сеvimли бадий адабиёт, эртак ва ҳикоя муаллифлари ва уларнинг номини билади; ифодалиликнинг оҳанг воситаларини тўғри қўллайди; ҳарфларга тегишли сўзларни топади.

•6-7 ёш бошқа болаларга эслаб қолган китоб мазмунини сўзлаб беради; содда ва мураккаб гапларни нутқида қўллайди; сўзларни бўғинларга бўлади; бўғинли карточкалар ёрдамида бўғинлардан сўзлар тузади; сўз, товуш, бўғин, гап ҳақида тушунчага эга; пешлавҳа, китоб номлари, расм тагидаги ёзувлар ва ҳоказоларни ўқийди; болалар адабиёти жанри номини билади (эртак, шеър, ҳикоя); машҳур ёзувчи ва шоирлар номини билади.²

Оилада китобхонлик муҳитини шакллантириш асосида ота-она фарзандларининг нурли келажак учун замин ҳозирлаётган бўлади. Бу ота-онадан фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги маънавий бурчни тўғри англашни, оилавий муносабатларни шакллантириш, уларни мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялашни тақазо этади.

Маънавиятнинг биринчи ва энг муҳим меъзони ҳам ҳар бир кишининг ўқимишли, интеллектуал ривожланган шахс бўлиб етишишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Маълумки китобхонлик фақат кўп ўқиш билангина белгиланмайди. Унда аввало ўқиган китоблари воситасида эзгу характер, эзгу хулқ-одоб, соғлом дунёқараш, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий фаоллик шакллангандагина амалга ошади.

“Бадий адабиёт болаларни ақлан, ахлоқан ва эстетик тарбиялашнинг қудратли, таъсирчан қуроли сифатида хизмат қилади, у бола нутқининг ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади. Бадий диднинг шаклланишида китоблар муҳим рол ўйнайди.

Китоблар болаларнинг ёшига мос, мавзу ва мазмуни билангина эмас, балки шу билан бирга баён қилиш усули ҳамда безатилиши билан ҳам ажралиб туриши муҳимдир.

² “O‘zbekiston Respublikasi ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan Davlat talablarini tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta‘lim vazirining buyrug‘i 2019-y. 18-iyun B. 20.

Кичкинтойлар, айниқса, 2-3 ёшли болалар учун аталган китобларда сўзлардан кўра расмларнинг таъсирига катта эътибор берилади. Бола китобдаги расмларни қайта-қайта ўз ўртоқларига, катталарга, кўғирчоғига “ўқиб” бериш

билан унинг мазмунини ўз хотирасида мустаҳкамлайди. Китобдаги ёрқин, чиройли расмлар болаларнинг бадиий дидини тарбиялайди”³.

Уфқда куёш акс этганидек, фарзандда онанинг маънавий қиёфаси ҳам акс этади. Зеро, Ҳадиси шарифда: Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқ, одобдан буюкроқ мерос бера олмайди», дейилади. Ҳақиқатдан ҳам, бола келажакда қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ ота-онасига, ўз оиласига, илм олаётган даргоҳига ҳамда уни ўраб турган муҳитга боғлиқ.

Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз фарзандини эзгу мақсадга интилувчан, олдида қўйган мақсадлари сари дадил давом этувчи, ўқиш ва ишда матонатли, ташаббускор қилиб тарбияламоғи лозим. Чунки бугун биз тарбиялаётган фарзандлар эртанги Ўзбекистоннинг нурли келажаги бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2019 й., 07/19/4354/3275сон
2. “O‘zbekiston Respublikasi ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan Davlat talablarini tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirining buyrug‘i 2019-y. 18-iyun В. 20.
3. «INFOLIB» axborot-kutubxona xabarnomasi.2016 yil.39-b.
4. Қодирова Ф.Р, Тошпўлатова С.Қ, Қаюмова Н.М, Аъзамова М.Н. “Мактабгача педагогика” Тошкент: “Адабиёт учқунлари” – 2019. – Б. 169.

³ Қодирова Ф.Р, Тошпўлатова С.Қ, Қаюмова Н.М, Аъзамова М.Н. “Мактабгача педагогика” Тошкент: “Адабиёт учқунлари” – 2019. – Б. 169.